O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

B U Y R U G‘I

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

“Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 24 августдаги ПФ–6044-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, лицензиялаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонини қисқартириш ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда лицензиялаш тартиб-таомилларидан ўтишнинг ягона тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори қабул қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарор билан:

а) қуйидагилар:

Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона низом;

лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорларни республика даражасида қабул қилувчи ваколатли органларнинг шикоятларни кўриб чиқиш бўйича апелляция кенгашининг (кейинги ўринларда – Апелляция кенгаши) намунавий таркиби;

лицензиялаш тартиб-таомилларини белгиловчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқлаштириш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш графиги тасдиқланган;

б) Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда “Лицензия” ахборот тизими орқали тушадиган сўровлар бўйича давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ахборот тизимлари орқали тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилигига тегишли давлат органлари ва ташкилотлари

раҳбарлари шахсан жавобгар ҳисобланиши белгиланган;

в) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб топилган.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Вазир ўринбосарлари, Вазирлик марказий аппарати департамент, бошқарма ва бўлимлари ҳамда ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, шунингдек, тизимдаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари:

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорини раҳбарлик ва ижро учун қабул қилсин (илова қилинади);

Вазирлик томонидан кўрсатилаётган телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш давлат хизмати Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилаётганлигини маълумот учун қабул қилсин.

2. Қуйидагилар:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг лицензиялаш масалалари бўйича эксперт гуруҳи таркиби 1-иловага;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг лицензиялаш масалалари бўйича эксперт гуруҳи тўғрисидаги низом 2-иловага;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг лицензиялаш масалалари бўйича эксперт гуруҳининг телекоммуникациялар соҳасида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқиш бўйича Апелляция кенгаши таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу бандда тасдиқланаётган ҳужжатлар 2022 йил 1 мартдан кучга киради.

3. Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси (А.Мухитдинов), “Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор “UZINFOCOM”” МЧЖ (Э.Гимранов) лицензия олиш талаб қилинадиган фаолиятлар учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатиш тартиб таомиллари Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори билан тасдиқланган ягона низом талаблари асосида йўлга қўйилишини таъминласин.

4. Лицензиялаш ва лицензия шартномалари ижросини таҳлил қилиш бўлими (С. Абдуллаева):

а) қуйидагиларга масъул этиб белгилансин:

телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича Вазирлик фаолиятини амалга ошириш;

Эксперт гуруҳига зарур маълумотлар ва ҳужжатларни киритиш ва бу бўйича унинг ишчи органи вазифасини бажариш;

лицензиялар ва уларга тегишли ҳужжатлар реестрларини доимий асосда юритиш ҳамда уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш;

б) Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш давлат хизматларини Ягона интерактив давлат хизматини портали ва/ёки “Лицензия” ахборот тизими орқали амалга оширилишини ҳамда хизмат кўрсатиш тартиб таомилларини соддалаштириш орқали фойдаланувчиларга кенг қулайликлар яратиш юзасидан доимий мониторинг олиб борилишини таъминласин;

в) телекоммуникациялар соҳасида лицензияланадиган фаолият турини ёки унинг кичик турини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар (лицензиат)ни Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори билан белгиланган лицензия талаб ва шартлари 2022 йил 1 июндан кучга кириши тўғрисида хабардор қилиш чораларини кўрсин;

г) Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси (А.Мухитдинов), “Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор “UZINFOCOM”” МЧЖ (Э.Гимранов) билан биргаликда телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларнинг хизматларини кўрсатиш учун лицензияни ҳамда соҳа йўналишидаги лицензияланадиган фаолиятнинг кичик турларини олиш учун ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш чораларини кўрсин.

5. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими (Ш.Ахматов) Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорининг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи кўргазмали тарғибот материалларини Вазирликнинг расмий веб-сайти ва бошқа ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жойлаштирилишини таъминласин.

6. Вазирликнинг 4-иловага мувофиқ буйруқлари 2022 йил 1 мартдан ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирнинг ахборот хавфсизлиги ва режим масалалари бўйича ўринбосари Д.Рустамов зиммасига юклансин.

Вазирнинг биринчи ўринбосари **О. Пекось**

Toshkent sh.
2022-y., “24” - fevral
103 -son

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлигининг
2022 йил “24” февралдаги 103-сон буйруғига
1-ИЛОВА

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг лицензиялаш масалалари бўйича эксперт гуруҳи
ТАРКИБИ

т/р	Ф.И.Ш.	Лавозими
1	Д. Рустамов	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ахборот хавфсизлиги ва режим масалалари бўйича ўринбосари, эксперт гуруҳи раиси
2	Ж. Махсудов	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг телекоммуникация инфратузилмаси масалалари бўйича ўринбосари, эксперт гуруҳи раиси ўринбосари
3	Ж. Жафаров	Ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи в.б.
4	Н. Махмудова	Лицензиялаш ва лицензия шартномалари ижросини таҳлил қилиш бўлими бош мутахассиси
5	Д. Дусматов	Радиочастота спектридан фойдаланишни тартибга солиш бўлими бошлиғи
6	А. Исмаилов	Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиғи в.б.
7	Д. Алиходжаев	Махсус ишлар бўлими бошлиғи
8	Ш. Курбанов	Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение бўлими бошлиғи
9	А. Бабаханов	Мультисервис тармоқлари бўлими бошлиғи в.б.
10	Ж. Арипов	Мобиль алоқа бўлими бошлиғи
11	Д. Рахматуллаев	Интернет тармоғида миллий контентни ривожлантириш бўлими бошлиғи
13	У. Шакиров	“Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази” ДУК директори в.б.
14	О. Холмухамедов	Ахборотлаштириш соҳасида назорат қилиш бошқармаси бошлиғи (*келишув бўйича*)
15	С. Маткаримов	Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича марказнинг телерадиоэшиттиришлар мониторинги бўлими бошлиғи *(келишув бўйича)*
16	О. Абдусалямов	Лицензиялаш ва лицензия шартномалари ижросини таҳлил қилиш бўлими етакчи мутахассиси, котиб *(овоз бериш ҳуқуқисиз)*

Изоҳ: Зарур ҳолларда Эксперт гуруҳ фаолиятига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва бошқа вазирликлар ҳамда тизимдаги корхона (ташкилотларнинг) раҳбар ва мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Эксперт гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.